



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 239 (8729)

13 декабрь, 1985 йил

ЖУМА

Баҳоси 3 тийин.



Тошкент. 1985 йил 12 декабрь. Ун биринчи қақирққ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси.

В. МОЛГАЧЕВ ва С. МАҲКАМОВ фотоси.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ун биринчи қақирққ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси 12 декабрь кунин Тошкентда ўз ишнин бошлади. Олий Совет мажлиси эрталаб соат 10 да очилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Аймурадов, В. П. Анишев, Ҳ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Т. А. Алминов, В. А. Головин, Н. М. Махмудова, В. А. Хайдаров, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг аъзо-

лари ҳукумат лажаларидан жой оладилар. Мажлиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат П. Ҳ. Ҳабибуллаев очди. Сессия қатнашчилари Олий Советнинг вафот этган депутати Н. С. Османов хотирасини бир дақиқа сўқут сақлаб эста олдилар.

Мандат комиссиясининг раиси депутат Т. Ҳ. Жўраевнинг шу комиссия номидан қилган доклады юзасидан Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларидан: 28-Большевистик сайлов округидан сайланган П. М. Абдураҳмонов-

нинг; 128-Бўтақора сайлов округидан сайланган В. П. Анишевнинг; 229-Мўборак сайлов округидан сайланган С. А. Иброҳимовнинг; 257-Янгийўл сайлов округидан сайланган Ж. Разаевнинг; 271-Учқўрғон сайлов округидан сайланган Б. Ҳ. Қосимхўжаевнинг; 345-Богизагон сайлов округидан сайланган В. И. Огаровнинг; 373-Янгибозор сайлов округидан сайланган И. Курбановнинг; 454-Данғара сайлов округидан сайланган Ҳ. Мажиговнинг; 497-Тўрткўл сайлов округидан сайланган Д. Д. Берковнинг ваколатларини тўғри, деб топиш ҳақида қарор қабул қилди.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланди:

1. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани ҳақида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги Давлат плани ҳақида бажарилаётгани тўғрисида.
2. Ўзбекистон ССРнинг 1986 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1984 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.
3. Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳаси ҳақида.
4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Ҳ. А. Аҳмедов Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани ҳақида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги Давлат плани ҳақида бажарилаётгани тўғрисида доклад қилди.

Кун тартибидagi биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан музокарада депутатлардан: Б. Д. Ҳақимов (284-Поп сайлов округи), А. Ф. Клепиков (89-Димитров сайлов округи), Э. Велиев (302-Шеумен сайлов округи), В. А. Смулов (142-Ильич сайлов округи), Т. М. Юхно (247-Навоий сайлов округи), А. Ҳ. Ҳамидов (84-Чор-

воқ сайлов округи), Д. С. Едгоров (496-Ленинбод сайлов округи), И. У. Қўчқоров (394-Сирдарё сайлов округи), Ҳ. Сапиев (460-Богот сайлов округи), Н. В. Ким (472-Калинин сайлов округи), Ҳ. Мажигов (454-Данғара сайлов округи), Т. Юнусова (385-Ленин йўли сайлов округи), Ю. А. Гўсєв (53-Гвардейский сайлов округи), С. Есимов (207-Чимкўрғон сайлов округи), Ҳ. Ҳ. Гўломов (45-Сельмаш сайлов округи), Б. Ҳайдарова (187-Дўрмон сайлов округи) сўзга чиқдилар. Депутатлардан Т. Исоқова (150-Пахтабод сайлов округи) ва М. Т. Ҳатамов (290-Жийда-

КРЕМЛДА СУХБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков Америка савдо-саноат доираларининг таниқли намоёнидаси — «Оксидентал петролеум» компаниясининг президенти ва директорлар кенгашининг раиси Арманд Хаммерни 11 декабрь кунин Кремлда қабул қилди. А. Хаммер Америка — Совет савдо-иқтисодий кенгашининг IX йиллик мажлиси ўтказилиши муносабати билан Москвага келган эди.

Сўхбат чоғида инкала томон Совет — Америка муносабатларини, шу жумладан савдо-иқтисодий алоқалар соҳасини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни вужудга келтириш нўқтани назардан олий даражада Женевада ўтказилган учрашувнинг аҳамиятини таъкидлади. Аммо бунда, Н. И. Рижков қайд этиб ўтганидек, ҳали кўп иш қилиш ва аввало, СССР билан АҚШ ўртасида савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорликнинг нормал ривожлантирилиши йўлида Америк

ка томони вужудга келтирилган гавларни бартараф этиш керак бўлади. Амалий ҳаракатларни ўшбу масалалар юзасидан Совет Иттифоқининг позицияси КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Америка — Совет савдо-иқтисодий кенгаши йиллик мажлисининг қатнашчилари ҳузурида 10 декабрь кунин сўзлаган нўқтида муфассал баён этиб берилди.

А. Хаммер Америка савдо-саноат доираларининг Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқни нормаллаштириш ва кенгайтиришдан мавзаатдорлиги ўсанлигини, бу эса Америка-Совет савдо-иқтисодий кенгашининг ҳозирги мажлисида ҳам намоён бўлганлигини таъкидлади. У ўзи бошчилиги қилаётган компания билан совет ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожлантиришга тааллуқли бир қанча конкрет масалаларни ҳам тилга олди. (ТАСС)



КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА- 27 ЗАРЬБОР ЎН КУНЛИК!

ЧОРВАДОРЛАР МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

ОБЛАСТИМИЗ чорвадорлари қишлоқ мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун астойдил курашмоқда.

Кунин кеча область қишлоқ хўжалик органлари, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари ходимларидан иборат махсус комиссия жойлардаги аҳвол билан бевосита танишиш мақсадида Пискент район колхоз ва совхозлари сут-товар фермаларида бўлдилар. Улар чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақанинг қандай йўлга қўйилгани, қандай маданий-маиший шарт-шароитлар берилганлиги, белгиланган план ва топишриқларнинг бажарилиши билан танишдилар. Эришилган натижаларни таҳлил этидилар. Сут соғувчилар, молбоқарлар билан сўхбатлашиб, ишнин янада яхшилаш юзасидан қимматли тақлиф ва мулоҳазаларни айтдилар.

Шундан сўнг йигилиш бўлиб ўтди. Йигилишнин область касаба союзлари Советининг раиси А. В. Браилов олиб борди. Қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз райони комитетининг раиси Т. Иномов хўжаликларнинг сут-товар фермаларидаги умумий аҳвол, социалистик мусобақанинг ташкил этилиши ва натижалари ҳақида маълумот берди.

Ленин номи. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Охунбобоев номи, Свердлов номи колхозларининг раислари У. Душаев, А. Азнауров, М. Авазов, А. Жумабоев ўртоқлар қишлоқнинг бо-риши ҳақида, аниқланган баъзи камчиликларнинг қай тарихда бартараф этилаётгани тўғрисида сўзладилар. Район марказий касалхонасининг бош врач А. Умаров чорвадорларга кўрсатилаётган медицина хизмати ҳақида, район матлубот жамияти раисининг ўринбосари А. Пулатов савдо ва маданий-маиший хизмат соҳасидан ишлар тўғрисида гапирди. «КПСС XXVII съезди» совхоз касаба союз ташкилотини раиси К. Сотиболдиев чорвадорлар учун яратиб берилган шарт-шароитлар ва ҳақиқатини лозим бўлган баъзи масалалар ҳақида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Йигилиш охирида Пискент район партия комитетининг биринчи секретари У. Я. Ваҳидов нўқт сўзлади.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Янгийўл биохимия заводи-нинг янги маҳсулотни коллектив деб аталади. Сульфат кислота ишлаб чиқариш чилардан ҳосил қилинади. Бунда препарат филтрларда ишлатилувчи активлаштирилган кўмир ўрнида ишлатса бўладиган арзон мод-

да бўлиб хизмат қилади. Эндилкида янгийўллик биохимиклар оқиди маҳсулот турларидан кислотини анча арзонлаштиришлари мумкин бўлади. Врачлар уни ди-абетикларга қанд ўрнида тавсия қиладилар. (ЎзТАГ).

Тежамкорлик — умумхалқ иши ИҚТИСОД ФОНДИ ҲИСОБИДАН

ЧИРЧИҚДАГИ «Промтехмонтаж» бошқармаси рационализаторлари техника янгиланларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида иқтисод фонди тузиб, шу асосда икки кун тежалган материаллар, хомашё ва энергия ҳисобига ишлаб бериш ҳақидаги мажбуриятларини шараф билан бажаришди. Бу хайрли ишда бошқарманинг унча икдорий чорвадорлар бригадалари фаол қатнашиб, иқтисод фондида муносиб ҳисса қўшдилар. Ю. Терешников раҳбарлигидаги икдорий бригаданинг юқори

босимли қувурлар конструкциясини ўзгартириш ҳақида қиритган тақлиф қорхонага 16 минг сўмлик фойда олиш имконини берди. В. Полярук етакчилигидаги бригада ўз тақлифи билан ҳар йили 15 тонна қора металл прокатини иқтисод қилишга эришмоқда.

Янгуловчи йилнинг ўтган даври мобайнида комсомол-ешлар бригадаси бошчилиги, Социалистик Меҳнат Ҳақрамони М. Абдурашидов, участка бошлиғи Я. Нестеров, прораб Я. Эмирасланов, токар Г. Гуляшев ва бошқалар қатор қимматли рационализаторлик тақлифлари қиритишди. Йил бошидан бери қорхонага 29,3 тонна қора металл прокати, 1,7 тонна пайвандлаш материаллари, 1,5 минг сўмлик ёғоч-тахта иқтисод қилинди. Монтажчилар иқтисод фонди асосида икки кун ишладилар.

Бутунгун кунда новаторлар йил охиригача яна бир кун ишлашга етишган материаллар ва хомашёни тежалаш бутун куч-айратларини сафарбар этмоқдалар. А. ГҮЛОМОВ.

Ў ЯНГИ АНГРЕН ГРЭСи қурилишида Эман Караев раҳбарлигидаги бригада умумли ишламоқда. Бригада аъзолари турли хил темир-бетон конструкцияларини тез ва сифатли монтаж қилишга эришиб, топишриқни донм ошириб бажармоқдалар. Суратда: илгор бригада бошлиғи Э. Караев.

И. ЗАРАФШАНСКИЙ фотоси.

ҚУРИЛИШЛАР УЧУН

КПССнинг съездолди тарихий ҳужжатлари бarchа совет кишилари қатори Келесдаги 7-ғишт заводлари бошқармаси ишчи-хизматчиларининг ҳам меҳнат-шижоатини кучайтириб юборди. Ҳар йили қурилишлар учун миллион доналаб пишшиқ гишт етказиб бераётган бошқарма коллективни ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун қизғин кураш олиб бормоқда.

Бу меҳнат беллашувида Тўлаган Ҳикматуллаев бошчилиги қилаётган гишт пишшириш цехи ишчилари пешқадамлик қилишди. Улар олий топишриқларини ортинги билан бажаришмоқда. Биргина октябр ойида 3 миллион 800 минг дона гиштини буюртмачиларга юбордилар. Бу планда назарда тутилганидан 200 минг дона кўпдир. Улар ноябрь ойида ҳам қўшимча ўнларча минг дона қимматли қурилиш материал тайёрладилар.

Коллективнинг бу ютуқларида ўз вазифасига бажарган муносабатда буладиган коммунистлар Т. Ботирбеков, С. Сотиболдиев, Т. Раҳимов, З. Қимларнинг ҳиссалари каттадир.

Т. ЖҲРАЕВ.

КАНОПГА НУР МАДАДКОР

Тошкент области дубкорларига каноп ҳосилини тез йиғиштириб олиш ҳамда ҳосилдорлигини беш центнер оширишга олимлар ёрдам бердилар.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ҳамда луб экинлари Ўзбекистон тажриба станциясининг ходимлари уруқ-ка нур жамлаиб йўналтири-

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986 ЙИЛГИ ДАВЛАТ
ПЛАНИ ҲАҚИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
1985 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ТЎҒРИСИДА

Олмаликда ҳам Хасково
округи партия ходимлари.
билан дўстона учрашувлар
бўлиб ўтди.

